

## **АНДИЖОН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРЛИ ФИТОФАГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ ВА ТАРҚАЛИШ АРЕАЛИ**

Б.А.Сулаймонов,

А.А.Рахимова,

Р.А.Жумаев

Тошкент давлат аграр университети

Андижон давлат ўрмон хўжалигидаги ўрмон дарахтларнинг ҳилма ҳиллиги билан ажралиб туради. Бунда уларнинг маданий ва ёввойи турлари билан кўшилиб бир ареални ташкил этади. Андижон давлат ўрмон хўжалиги 12,97 минг гектарни ташкил қилади.

2017-2020 йиллар оралиғида Андижон давлат ўрмон хўжалигида ўтказилган кузатувларга кўра худудда учровчи ҳашарот турлари ва уларнинг биологик хусусиятлари, турлари ва уларнинг ушбу ареалда ривожланишидаги турли омилларнинг таъсири, ўрмон дарахтлари турлари, уларнинг вегитатив ва генератив органиларида учраган ҳашарот турлари назорат қилинди, намуналар йиғилди ва лаборатория шароитида таҳлил қилинди. Ўрмон билан қопланган ерлар, маданий ўрмонзорлар, туташмаган ўрмонзорлар, кўчатхоналар, сийрак ўрмонзорлар, тақир ерлар, хайдаладиган ерлар, яйловлар, сувлар ўрни, боғ ва узумзорлар, йўллар ўрни, аҳоли яшаш жойлари ва бошқа ерларга ажратилди. Ўрмон дарахтларидан арча, олма, бодом, каштан, қайрағоч, терак, тол, ўрик, шафтоли, софора, дуб, наматак, ёнғоқ кабилар рўйхатга олинди. Ушбу дарахт турлари Андижон давлат ўрмон хўжалиги ландшафтини ҳосил қилмоқда[2;5;6;16].

Ўрмон худудида энг кўп учраган ва рўйхатга олинган дарахтларнинг катта кичиклиги, ёши ва жойлашув жойи бўйича рўйхатга олинди. Маданий ўрмонзорларда эса энг кўп тарқалган ҳашарот турлари рўйхатга олиниб улардан намуналар йиғилди. Ўрмон хўжалигида, турли ҳил дарахтлари бўйича рўйхатга олинди. Унга кўра ёнғоқ, арча, олма, терак, тол, ўрик кабилар бошқа дарахтларга нисбатан кўп учради.

Андижон давлат ўрмон хўжалигидаги бўлимлари ва уларнинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Андижон давлат ўрмон хўжалигидаги учровчи ўрмон дарахтларининг зараркунанда турлари лаборатория шароитида йиғилган намуналар систематик таҳлил этилиб, зарар келтириши жиҳатдан турли гуруҳларга ажратилди. Унга кўра барг, тана ва илдиз зараркунандаларининг сўрувчи, кемирувчи турлари, уларнинг Андижон вилояти шароитида ривожланиши ўрганилди ва систематик таҳлил этилди[10;12].

Ўрмон дарахтларининг жойлашуви ҳамда адралар ва водийлар худудларига қараб ажратилган. Бунда адралар худудида жойлашган дарахт турлари бодом, арча, наматак, ёнғоқ, софора, қайрағоч кабиларнинг кўпроқ учраши шу турларга ҳос зараркунандаларнинг ҳам тарқалиш ареалини ҳосил қилган.

Водий олди худудларида эса нисбатан ҳашаротларнинг зичлиги катта бўлиб, нисбий ҳаво намлигига боғлиқ бўлди. Бунда ўрик, олма, дуб, каштан кабиларнинг нисбатан кўпроқ жойлашуви улар ривожланиш шароитига нисбатан эканлиги, шу турларга ҳос ҳашаротлар ареалини белгилайди. Ушбу тур ҳашарот турлари нисбатан экологик фаторларга чидамлидир. Адралар ва аҳоли яшаш жойларидаги ўрик, олма, терак, тол кабиларнинг жойлашуви ҳам ҳашаротлар экологиясининг мутоноиб турларигина ривожланиши кузатилади. Айниқса ушбу ареалда энтомофаг ҳашаротларнинг кўплиги кузатилиб, уларнинг асосийларини паразитлар ташкил этган[1;4;7;11;12].

Тадқиқот ва кузатувда рўйхатга олинган фитофагларнинг учраш даражаси, улар ривожланиётган, зарарлаган ўрмон дарахт турлари, дарахтларнинг зарарланган қисми, зараркунанданинг ўрмон дарахтларини зарарлаш босқичи аниқланиб борилди. Тадқиқотлар 2017-2020 йилнинг май ойидан сентябр ойигача олиб борилиб, йиғилган намуналар лаборатория шароитида турли манбалар орқали систематик таҳлил этилиб борилди. Бунда дарахтларнинг илдиз,

тана, барг, мева ва шохларида зарар келтирувчи 19 дона зараркунанда аниқланиб (1-жадвал), улар таҳлил этилди. Тадқиқотларда энтомологик тўр, БУФ ёруғлик тутқич, қўл ёритгичи орқали тунги ва кундузги турларидан намуналар йиғилди[11;14;15].

1-жадвал.

Андижон ўрмон хўжалигида рўйхатга олинган зарарли фитофаг турлари (Андижон вилояти, 2017-2020 йй.)

№	Зарарли фитофаг турлари	Учраш даражаси	Зарарлаган дарахт тури	Зарарланган дарахт органи	Зарарловчи бочқичи
1	<i>Melolontha afflicta</i> Medv	+++	Терак, тол қайрағоч	илдизи	личинка
2	<i>Rhizotrogus fortis</i> Reitt	+++	Олма, бодом,	илдизи	личинка
3	<i>Amphimallon glabripennis</i> Ball.	++	Олма, ёнғоқ,	илдизи	личинка
4	<i>Epicometis turanica</i> Reitt.	+++	Нок, олма, жийда	гуллари	Қўнғиз (имаго)
5	<i>Chrysobothris nana</i> Fairm.	+	ёнғоқ	шохлари	личинка
6	<i>Agrilus pecirkai</i> Obenb.	++	наматак	Барг ва шохлари	Личинка, имго
7	<i>Agrilus angustulus</i> Illig.	+++	Тол, терак	шохлари	қўнғиз
8	CERAMBYCIDAE <i>Aeolesthes sarta</i> Solsky.	+++	Ўрик, ёнғоқ, тол, терак, жийда, чинор, тут, қайроғоч	танаси	личинка
9	<i>Rhopalopus nadari</i> Pic.	+	олма	Тана ва шохлари	личинка
10	<i>Turanium pilosum</i> Mtt.	++	Олча, олма, бодом	Тана, шохлари, илдизи, барги	Личинка, имаго
11	<i>Xylotrechus namanganensis</i> Heyd.	+++	Терак, олма, бодом, жийда, тол	Танаси ва шохлари	личинка
12	<i>Corygetus conirostr</i> Form.	+++	Бутасимон дарахтлар	барги	личинка
13	<i>Phyllobius solskyi</i> Fst.	++	Олма, ёнғоқ, бодом, наматак	барги	личинка
14	IPIDAE <i>Scolytus scolytus</i> F.	++	олма	Тана ва шохлари	личинка
15	<i>Scolytus tadjikistanicus</i> Stark.	++	Олма,	Тана ва шохлари	личинка
16	<i>Scolytus rugulosus</i> v. <i>mediterraneus</i> Egg	+++	Олма, шафтоли, ёнғоқ, ўрик, бодом	Тана ва шохлари	личинкаси

17	<i>NOCTUIDAE</i> <i>Hyponomeuta malinellus</i> Zell.	+++	олма	мева	личинкаси
18	<i>Carpocapsa pomonella</i>	+++	Олма, беҳи	мева	личинкаси
19	<i>Recarvaria nanella</i> Schiff.	++	Олма, ўрик, шафтоли, бодом	Мева, куртак	личинкаси

Аниқланган фитофагларнинг таҳлили бўйича 10 тури бошқаларига нисбатан кўп учраганлиги аниқланди. Бунда энг кўп зарарланган ўрмон дарахтларидан олма, ёнғоқ, бодом, жийда эканлиги маълум бўлди [10;11].

Кузатувларда ўрмон агробиоценозида зараркундалар турлари бошқа қишлоқ хўжалик экинларга нисбатан кўплаб учради, айниқса намлик юқори бўлган жойларда арракашлар, баргўровчилар, тунламлар ва илдиз зараркундалари аниқланиши билан бирга уларнинг энтомофаглари ҳам ўрганилди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абеленцев В.И. и др. Вредители сельско хозяйственных культур и лесных насаждений. Том-3. Киев. “Уражай”, 1989. –с 11.
2. Аверкиев И.С. Атлас вреднейших насекомых леса. Изд. Лесная промышленность. Москва. 1973.
3. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. - М.: Колос, 1984. - 417 с.
4. Бичина Т.И., Талицкий В.И. Листовертки – вредители садов. – Кишинев: 1955 с .81.
5. Гегинзан З.С. К вопросу о видовой самостоятельности яблоневой, плодовой и ивовой горностаемых молей (Lepidoptera, Yponomeutidae) II Вест.зоол. к: наук думка 1967 с. 38-40.
6. Данилевский А.С., Кузнецов В.И. Листовертки (Tortricidae) Триба плодоярки (Laspeyresini) – В кн.: Фауна СССР. Насекомые чешуекрылые, V, 1 нов, сер, № 98, 1968г.М, -Л.:с. 1-636.
7. Костюк Ю.О., Листовертки. Тортрицины (Tortricinae) // Фауна Украины – К.: Наук. Думка, 1980 Т 15, вып10 с. 422
8. Кузнецов В.И. Листовертки (Lepidoptera, Tortricinae.) Южной части Дальнего Востока и их сезонные циклы // труды ВЭО 1973 Т. 56 с 44-161.
9. Кузнецов В.И., Стекольников А.А. «Эволюция и система высших токсонов листоверток» (Lepidoptera, Tortricidae) мировой фауны с учетом сравнительной морфологии гениталий // Докл на 36 м ежегодном чтении памяти. Москва. 1975. С 45-46.
10. Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Анарбаев А.Р., Жумаев Р.А., Сабиров С., Собиров Б., Ғазибеков А., Болқибоев Ш. Ўрмон биоценозида фитофаг турлари ва улар микродорини бошқариш. // O'zbekiston» НМИУ, –Тошкент: 2018. – Б. 160.
11. Сулаймонов Б.А., Жумаев Р.А., Кимсанбоев Х.Х. Ўсимлик биоценозида Lepidoptera туркуми вакиллари сонини бошқаришда хўжаин-паразит мувозанатини шақилланиши (Илмий монография) // O'zbekiston» НМИУ, –Тошкент: 2018. –Б. 180.
12. Abbots W.S. A method of computing the effectiveness of insecticide, 1925.- V.18. - №3. - P.265-267.
13. Schaefer P.W. Diversity in form, function, behavior, and ecology: an overview of the Lymantriidae (Lepidoptera) of the world // Proceedings. Lymantriidae: A comparison of features of New abd Old World tussock moths. New Haven. 1989. P.1-20.
14. Grijpma P.J. Overview of research on Lymantriids in Easter and Western Europe // Proceedings. Lymantriidae: A comparison of features of New abd Old World tussock moths. New Haven. 1989. p. 21-50.

15. Самые опасные насекомые-вредители леса. Stopvreditel.ru › Вредители растений и деревьев.
16. Вредители леса - Словари и энциклопедии на Академике